

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ШАРИПОВА ШАХЛО САДУЛЛАЕВНА**

**ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА РИВОЖЛАНТИРУВЧИ  
ТРЕНИНГЛАР ОРҚАЛИ ИХТИСОСЛИК ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ  
КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШ**

**13.00.05 – Касб–хунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on Pedagogical Sciences**

**Шарипова Шахло Садуллаевна**

Инновацион таълим муҳитида ривожлантирувчи тренинглار орқали  
ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини  
ошириш.....

**Шарипова Шахло Садуллаевна**

Повышение профессиональной компетенции преподавателя специальных  
дисциплин с использованием развивающих тренингов в инновационной  
образовательной среде.....

**Sharipova Shakhlo Sadullaевна**

Improving the professional competence of a professor of special disciplines with  
the use of developing trainings in an innovative educational  
environment.....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ШАРИПОВА ШАХЛО САДУЛЛАЕВНА**

**ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА РИВОЖЛАНТИРУВЧИ  
ТРЕНИНГЛАР ОРҚАЛИ ИХТИСОСЛИК ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ  
КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШ**

**13.00.05 – Касб–ҳунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Ped696 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.iirpo.uz](http://www.iirpo.uz)) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Олимов Қаҳрамон Танзилович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Муслимов Нарзулла Алиханович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Мирсолиева Муҳаббат Тўхтасиновна**  
педагогика фанлари доктори, доцент.

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc27.06.2017.Ped/P.48.01 Илмий кенгашнинг 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871)246-92-17; факс: (99871)246-92-17; E-mail: [pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz](mailto:pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz), [devonxona@iirpo.uz](mailto:devonxona@iirpo.uz))

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871)246-92-17; факс: (99871)246-92-17).

Диссертация автореферати 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди (2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Э.Қурбонов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**С.Ю.Ашурова**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., профессор

**З.К.Исмаилова**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кошидаги Илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашга бўлган эҳтиёж янада кучаймоқда. Олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлиги даражаси мазкур олий ўқув юрти битирувчисининг бўлажак иш фаолиятида қўллайдиган билим, кўникма, малака ва компетенцияси асосида баҳоланади. Бу борада ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида «ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш»га<sup>1</sup> алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, Сарбон декларацияси (Sorbonne Declaration), Таълим барча учун (Education For All (EFA)), Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (Millennium Development Goals (MDGs)) ва касбий малакалар тўғрисидаги Лиссабон Конвенциялари касбий компетентлиги юқори кадрлар тайёрлашнинг инновацион йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда таълим тизимини инновацион ривожланишининг глобал вазибаларидан бири педагог кадрларда касбий компетентликни шакллантиришдир. ЮНЕСКО катталар таълимини XXI асрда “эшикларни очувчи калит” деб эътироф этди. Халқаро педагогик тажрибада ихтисослик фани ўқитувчиларни (ИФЎ) айнан ривожлантирувчи тренинглар орқали касбий компетентлигини ошириш, инновацияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш, қисқа муддатли ўқув дастурлар орқали андрогогик таълим тамойилларни илмий асослаб беришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, ривожлантирувчи тренинглар орқали ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш ва уларни касбий фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб бориш зарурияти юзага келмоқда. Мазкур заруриятдан келиб чиқиб, олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини узлуксиз ошириб боришнинг замонавий ва тезкор методларини такомиллаштириш, дидактик ва методик асосларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Ўзбекистонда олий таълим муассасалари педагог-кадрларни илмий салоҳияти ва касбий компетентлигини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>2</sup> бўйича устувор вазибалар белгиланган. Шу нуқтаи назардан инновацион таълим муҳитида ихтисослик фанлари ўқитувчиларининг касбий

<sup>1</sup> Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами.- Т., 2017.- Б.37.

компетентлигини оширишда ривожлантирувчи тренинглари олиб бориш билан бир қаторда, ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш ҳамда ўзлаштириш натижаларини объектив баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармони, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги 797-сон Қарори, 2020 йил 15 майдаги 287-сонли “Ўзбекистон Республикаси касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисидаги” Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Касб-хунари таълимда таълим сифатини ошириш истиқболлари республикамиз олимлари Р.Х.Джўраев, Ш.Э.Қурбонов, А.Р.Ходжабаев, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Х.Ф.Рашидов, Ў.Қ.Толипов, М.Б.Уразова, Ж.А.Ҳамидов, О.Х.Тўрақулов, Д.О.Ҳимматалиев, Ш.С.Шарипов, О.А.Қўйсинов, У.Н.Нишоналиев, Н.Н.Мусаева ва бошқаларнинг фундаментал илмий тадқиқотларида атрофлича ўрганилган<sup>3</sup>.

---

<sup>3</sup> Қурбонов Ш.Э., Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш. / Т.: “Турон-Иқбол”, 2006.-592 б., Жўраев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. - Тошкент, 2010. 87 б.; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед.фан. док. ... дис. Автореф. Ташкент: ТДПУ, 2007.-47 б.

Узлуксиз таълимда “компетенция” ва “компетентлик” каби тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш, касбий компетентликни шакллантириш, ривожлантириш ва диагностика қилиш масалалари бўйича республикамиз олимлари Н.А.Муслимов, М.Б.Уразова, М.Т.Мирсолиева, О.А.Қуйсинов, Б.А.Назарова, Ш.С.Шарипов, Н.Н.Каримова ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар.

Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини ташкил этиш, тренинглар ўтказиш методикаси ҳамда ўқув–услубий таъминоти П.З.Ишанов, Б.С.Нуридинов, К.Т.Уматалиева, Ш.Х.Позилова, Д.А.Мустафоева ва бошқа олимлар ишларида илмий жиҳатдан асосланган.

Олий ва касб-хунар таълими тизимида ихтисослик фанларни ўқитиш, ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари ва илғор таълим методларидан фойдаланиш бўйича Ф.М.Закирова, С.Ю.Ашурова, А.А.Алимов, Ж.Р.Турматов, А.Р.Жўраев ва бошқалар, замонавий ўқитиш технологиялари назарияси ва амалиёти бўйича Н.Н.Азизходжаева, А.В.Голиш, Н.С.Саидахмедовларнинг илмий тадқиқот ишларида ёритилган.

Ўқитувчининг касбий компетентлигини шакллантириш ривожлантириш ва бўйича хорижий мамлакатларда Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, Н.В.Кузьмина, А.К.Маркова, Н.В.Соколова, А.В.Хуторский, Б.М.Игошев, Ю.В.Сенько, G.Lehmann, W.Nieke, S.Blomeke, A.Kopka ва S.Brindtлар, Dj.Raven, R.Short, A.Adler, A.Maslou, D.S.Makkelland томонидан тадқиқ этилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг AIF-2/20 рақамли “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш” (2019-2020 йй.) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** ривожлантирувчи тренинглар орқали ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ошириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

психологик-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш орқали ихтисослик фани ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий методологик ёндашувларини белгилаш;

инновацион таълим муҳитида ихтисослик фани ўқитувчисининг ривожлантирувчи тренинглар орқали касбий компетентлигини ошириш моделини такомиллаштириш;

инновацион таълим муҳитида ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини оширишга таъсир кўрсатувчи омиллар ва педагогик-психологик коллоборациянинг (ҳамкорликнинг) аҳамияти ва афзаллигини илмий жиҳатдан ўрганиш орқали замонавий таълим технологияларидан фойдаланиб ривожлантирувчи мастер-тренинглари ўтказиш методикасини такомиллаштириш;

олий таълим муассасалари ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ошириш бўйича ривожлантирувчи тренингларни ташкил этиш ва ўтказиш дастури ҳамда ўқув- дидактик мажмуасини комплексини ишлаб чиқиш ва амалда синаб кўриш.

**Тадқиқот объекти** олий таълим муассасаларида ривожлантирувчи тренинглар орқали ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ошириш жараёни.

**Тадқиқот предмети** ривожлантирувчи тренинглар орқали ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ошириш шакллари, методлари ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида мавзуга оид педагогик, психологик адабиётлар, ўқув режалар ва дастурларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, моделлаштириш (лойиҳалаш), педагогик-ижтимоий (тест, анкета-сўров, суҳбат, кузатиш) ва тажриба-синов ишларини ўтказиш ва натижаларга математик ва статистик ишлаб бериш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари педагог кадрлари касбий компетентлигини оширишга қаратилган инновацион мастер класс ва ривожлантирувчи тренинглар ўтказишнинг ташкилий-педагогик шартлари “ҳаёт давомида таълим олиш” тамойилига устуворлик даражасини бериш асосида такомиллаштирилган;

ривожлантирувчи тренингларни ташкил этиш методикаси инновацион технологияларга асосланган “FIRST”, “Tell”, “Show”, “Do”, "Trip to the Future" методларини киритиш орқали ихтисослик фан ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини оширишга қўйилаётган замонавий талаблар (коммуникативлик, бошқарувчанлик ва ташкилотчилик, креативлик, ўз-ўзини ривожлантириш, ҳаётнинг ва меҳнатнинг ўзгарувчан шароитига тез мослашувчанлик) асосида такомиллаштирилган;

ривожлантирувчи тренинглар орқали ихтисослик фан ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ошириш модели компонентлари шахсга йўналганлик тамойили ҳамда касбий-амалий фаолиятни ривожлантирувчи таълим шакллари (фаол амалиёт, инновацион фаолият) ва педагогик-психологик коллобарация (collaboration) асосида такомиллаштирилган;

инновацион таълим муҳитида ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини оширишга қаратилган ўқув методик таъминоти “Менинг кучли жиҳатларим”, “Менинг имкониятларим ва чекловларим”, “Мен маҳоратли ўқитувчи кўринишидаман” каби ривожлантирувчи тренинг машқлари ҳамда креатив характердаги ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

олий таълим муассасалари ихтисослик фанлари ўқитувчилари учун касбий компетенциясини ривожлантирувчи тренинглар орқали оширишга йўналтирилган дастур, “Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги “№ DGU 06448 сонли гувоҳномаси “Олий таълим муассасалари ихтисослик фани ўқитувчилари учун



инновацион мастер-тренинг электрон ўқув-услугий мажмуаси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган;

“Ихтисослик фанларини ўқитиш методикаси”, “Ихтисослик фанлари ўқитувчилари учун ривожлантирувчи тренингларни ташкил этиш ва ўтказиш”, “Инновацион таълим методлари” каби методик қўлланмалар яратилган ва амалда фойдаланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган методик қўлланма, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълим жараёнида ихтисослик фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини оширишга йўналтирилган тузилма, методик қўлланма, модел, ушбу моделнинг педагогик-психологик асослари, уни амалиётда қўллашнинг қулай шарт-шароитлари ҳамда ишлаб чиқилган таклифлардан фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида ихтисослик фани ўқитувчилари учун инновацион мастер-тренинг ўқув курси малака ошириш курслари дастурларини такомиллаштиришда, ихтисослик фанлари ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини мунтазам оширишда, ўзини такомиллаштиришга, ўзининг касбий потенциалини англашга, касбий компетентликни оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инновацион таълим муҳитида ривожлантирувчи тренинглар орқали ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ошириш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

олий таълим муассасалари педагог кадрлари касбий компетентлигини оширишга қаратилган инновацион мастер класс ва ривожлантирувчи тренинглар ўтказишнинг ташкилий-педагогик шартларини такомиллаштиришга доир тавсиялардан АИФ-2/20 рақамли “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш” (2019-2020 йй.) мавзусидаги грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 июндаги 89-03-2315-сон маълумотномаси). Натижада, бу тавсиялар педагог кадрлар касбий компетентлигини оширишнинг ташкилий босқичларини аниқлашга имкон берган;

ихтисослик фан ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини оширишга қўйилаётган замонавий талабларни (коммуникатив, бошқарувчанлик ва ташкилотчилик, инновацион, креативлилик, ўз-ўзини ривожлантириш, ҳаётнинг ва меҳнатнинг ўзгарувчан шароитига тез мослашувчанлик)

таъминлашга имкон берувчи инновацион технологияларга асосланган “FIRST”, “Tell”, “Show”, “Do”, “Trip to the Future” методлари асосида ривожлантирувчи тренинглари ташкил этишга оид таклиф ва тавсиялар “Олий таълим муассасалари ихтисослик фани ўқитувчилари учун инновацион мастер-тренинг электрон ўқув-услубий мажмуаси” мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 июндаги 89-03-2315-сон маълумотномаси). Мазкур таъминот ихтисослик фан ўқитувчисининг касбий компетентлигини оширишга хизмат қилган;

шахсга йўналганлик тамойили асосида касбий-амалий фаолиятни ривожлантирувчи таълим шакллари ва педагогик-психологик коллоборацияни (collaboration) қўллаш орқали ихтисослик фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини оширишга қаратилган “Ривожлантирувчи тренинглари ташкил этиш ва ўтказиш методикаси” ҳамда “Инновацион мастер-тренинглари ўтказиш дастури” Республика олий таълим муассасаларида ихтисослик фанлари ўқитувчилари касбий компетентлигини узлуксиз ошириш жараёнини ташкил этишда амалиётга жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 июндаги 89-03-2315-сон маълумотномаси). Мазкур методик таъминот ривожлантирувчи тренинглари ташкил этиш сифатини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28та илмий-услубий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган № DGU 06448 сонли гувоҳнома, 3 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, (шундан 7 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 167 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида тадқиқот муаммосининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, ишнинг мақсади, вазифалари ва объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Инновацион таълим муҳитида ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини оширишнинг назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида олий таълим ўқитувчисининг касбий компетентлигига оид илмий тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлили, ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлиги тузилмаси ва мазмуни, касбий компетентлигини ривожлантиришда таъсир кўрсатувчи омиллар, инновацион таълим муҳитини яратиш аҳамияти ҳамда педагогик-психологик коллоборациянинг аҳамияти баён қилинган.

Ўзбекистонда таълим жараёнини ривожлантириш асосан ташаббусни ўз зиммасига оладиган, ўзининг касбий мақсадларни аниқлайдиган, янги ва оптимистик қарашлари билан инновацияларга тайёр турадиган фаол ва мобил педагогларга боғлиқ. Айниқса, таълим тизимида бугунги кунда муҳим инновацион ўзгаришлар билан ажралиб турганлиги сабабли, ўқитувчидан юқори касбий компетенцияга эга бўлишни талаб этади. Бу ҳолатда ўқитувчи рақобатбардош бўлиши учун ҳар қандай ўзгаришга тайёр бўлиши, янги шартларга тез ва самарали мослаша олиши, юқори маҳоратга эга бўлиши, ўз билимлари ва кўникмаларини мунтазам янгилаш, ўз-ўзини ривожлантиришга интилиши керак.

Тадқиқотимиз мобайнида шу аниқландики, олий таълимда юқори малакали ихтисослик фани ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини ошириш учун халқаро илғор тажрибаларидан фойдаланиш, инновацион таълим муҳитини яратиш, ривожлантирувчи тренинглари ва замонавий технологияларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Биз дастлаб ихтисослик фани ўқитувчиси компетенцияси ҳақида фикр юритишдан олдин “компетенция” ва “компетентлик” тушунчаларига тўхталдик.

Н.В. Кузьмина фикрича ўқитувчи компетенцияси - малакали кадрлар тайёрлаш жараёнида юзага келадиган ўқув-тарбиявий масалаларни мустақил ечиш, шахснинг қобилият ва фазилатларини ривожлантириш лаёқатига эга бўлган педагогик авторитетидир<sup>4</sup>.

Профессор Н.А.Муслимов фикрига кўра компетентлик - мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олинишини назарда тутди<sup>5</sup>.

Илмий адабиётлар ва тадқиқот ишлари таҳлили натижасида, биз “ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлиги бу–тизимли ёндашувга асосланган бўлиб, касбий фаолиятидаги шахсий мотивация (шахсга йўналтирилганлик) ва хусусиятлари (тадқиқотчилик ва креативлик) асосида касбий муаммоларни ҳал қилиши ва педагогик фаолиятнинг

---

<sup>4</sup> Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения, [текст] / Н.В. Кузьмина. - М.: Высшая школа, 1990.-119 с.


<sup>5</sup> Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед.фан.докт. ... дисс. –Т., 2007.-349 б.

Ўзгарувчан шароитига мослашувчанлиги, шу билан бир каторда педагогик-психологик коллоборацияни олиб бориш лаёқати” деб таърифладик.

Маълумки, ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлиги бошқа фан ўқитувчилари компетентлигидан фарқ қилади. Чунки ихтисослик фани ўқитувчиси тегишли соҳа бўйича мутахассис бўлиши билан бирга талабаларни касбий фаолиятга ўргатувчи педагог бўлиши лозим. Бундан келиб чиққан ҳолда қуйидаги касбий компетенцияларни белгиладик:

Ўтказилган илмий-амалий изланишлар таҳлили натижасида ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш ҳолати ўрганилиб, ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлиги тузилмаси ва мазмунини ишлаб чиқдик (1-расмга қаранг).

Бизнинг фикримизча ихтисослик фани ўқитувчиси инновацион шароитга тезда мослашувчан, мобил педагог сингари, ҳар қандай янги шароитга ўз ўрнини топиши, ҳаётнинг ва меҳнатнинг ўзгарувчан ҳолатда муваффақиятли ва талабчан бўлиши учун ҳар қандай ўзгаришга тайёр бўлиши, янги шартларга тез ва самарали мослаша олиши лозим.



1-расм. Ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлиги ва мазмуни

Тадқиқот жараёнида ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетенциясини ривожлантиришга таъсир қилувчи бир қатор омилларни яъни: ижтимоий ҳолат ўзгаришлари, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, касбий фаолиятни амалга оширишда тасодифий ҳодисалар ва шароитлар, шахс ривожланишининг ички шартлари билан шартланган ҳамда ўз-ўзини ривожлантириш учун зарур бўлган инсоннинг субъектлилиги характеристикаси, ижтимоий – касбий фаоллик омиллари ҳам ёритиб берилган.

Тадқиқот давомида ҳозирги даврда олий таълим сифатини яхшилаш, ихтисослик фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ошириш, уларни инновацион фаолиятга йўналтириш, ўқув жараёнига замонавий таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар эканлиги асосланди.

Олий таълим мусассасаларидан ихтисослик фанларини ўқитиш сифатини таъминлашда педагогнинг руҳий ҳолати ҳам муҳим рол ўйнайди. Биз томондан ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотлар доирасида педагогик-психологик коллоборациялар олиб боришга ҳам эътибор қаратдик.

Коллобрация- французча сўздан олинган бўлиб,(collaboration) “ҳамкорлик” деган маънони англатади. Яъни “биргаликда фаолият, ҳамкорликда ишламоқ”. Умумий мақсадларга эришиш учун икки ёки ундан кўп инсонларнинг биргаликдаги фаолияти, жараёни сифатида белгиланади, уларда билимлар алмашилади, ўрганилади ва келишувга эришилади.

Педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда педагогик-психологик коллоборацияларни ташкил этишнинг мазмуни ва ўзига хослигини аниқлашда бир қатор вазифаларни бажариш талаб этилади:

– таълим жараёнида ўқитувчининг педагогик-психологик коллоборацияси мақсадини аниқлаш;

– педагогик-психологик коллоборация йўналишларини аниқлаш ва тармоқларга ажратиш.

Диссертациянинг **“Инновацион таълим муҳитида ривожлантирувчи тренинглар орқали ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ошириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида ривожлантирувчи тренинглар тушунчаларини ёритиб бериш билан бир қаторда, ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ошириш модели ва ривожлантирувчи тренингларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш методикаси баён қилинган.

Олиб борилган тадқиқотлар ва хорижий тажрибалар асосида ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини оширишда ривожлантирувчи тренинглардан фойдаланишнинг аҳамияти катта деган фикрга тўхталдик. Тренинг—(инглиз тилидан training-train—ўқитмоқ, тарбияламоқ), у ўрганилиши лозим бўлган назарий ғоя ва фикрларни амалий иш, машқлар давомида ўзлаштириш, мулоқот алмашиш имконини берувчи ташкилий тадбир ҳисобланади. Ихтисослик фани ўқитувчиси

ривожлантирувчи тренинг машқларидан ўзи мустақил ҳолда фойдаланиб ўзининг касбий компетенциясини ривожлантириш мумкинлиги асосланди.

Ривожлантирувчи тренинглар бошқа тренинг турларидан фарқли равишда ўқитувчининг касбий салоҳиятини оширишга, касбий компетентликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида хабардорликни оширишга, касбий компетентликни ривожлантириш учун шахсий стратегияни ишлаб чиқишга, ригидлик ва хавотирлик даражасини камайтиришга, касбий компетентликни ривожлантиришнинг конструктив технологияларини ўзлаштиришга қаратилган.

Ривожлантирувчи тренингларни ўтказиш жараёнини 3 босқичга ажратдик: (2-расмга қаранг)

Тайёрлов босқичи	Тренингни ўтказиш жараёни	Яқуний босқич
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Тренер (фасилитатор) томонидан тренингни ўтказиш бўйича ўқув таъминот ишлаб чиқилади.</li> <li>• ихтисослик фани ўқитувчилари тренингнинг мақсад ва вазибалари билан танишадилар</li> <li>• тренер ўқитувчилардан анкета сўров ўтказиши ва касбий компетентлик даражасини аниқлайди</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Тренинглarning қисқача тавсифи берилди. ИФУлари “Мақтов”, “Касбий шиор”, “Мен ўқитувчи кўринишида”, “Менинг имкониятим ва чекловларим”, “Ўқитувчи талабалар назиди”, “Менинг захираларим”, “Менинг кучли жиҳатларим” каби машқларни фойдаланилади</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• коллаборатив муҳокамада тренинг яқунлари дебати ташкиллашти</li> <li>• рилади</li> <li>• ўқитувчилар тренинг тўғрисида ўз фикрларини билдирадилар (“Тренинг кундалигини тўлдирди”)</li> <li>• бир-бирларининг таклиф ва мулоҳазаларини тинглайдилар</li> </ul>

## 2-расм. Ривожлантирувчи тренингларни ўтказиш босқичлари

Тренинг мобайнида ўқитувчилар назарий маълумотларни ўзлаштириш билан бирга, уларда билиш, эмоционал ва хулқ-атвор кўникмалари ривожланиб боради. Тренер ўқитувчи (фасилитатор) томонидан, ихтисослик фани ўқитувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаши зарур, уларнинг ўз фаолият турларини ўзгартиришга ва касбий компетентлигини ривожлантиришга кўмаклашиши муҳим ҳисобланади. Тренинг бу нафақат иштирокчиларда шахслараро ўзаро ҳамкорликнинг самарали кўникмасини шакллантиришга балки, мутахассис касбий компетентлигининг умумий даражасини оширишга йўналтирилади.

Тадқиқот ишида ривожлантирувчи тренингларни ўтказишда қўлланиладиган “Менинг кучли жиҳатларим”, “Ўзингнинг касбингни тасвирла”, “Мен муаммоларни ҳал қила оламан”, “Менинг захираларим”, “Янги имкониятлар”, “Менинг имкониятларим ва чекловларим”, “Ўқитувчи

талабалар назнида”, “Назорат ташнифи”, “Саёҳат” каби бир қатор машқлар, уларнинг аҳамияти ёритиб берилди. Тренингга киритилган машқлар тизими – ўқитувчининг ўз-ўзини яхши билишни, ўз руҳий ҳолатини ва улардаги ҳатти-ҳаракатларни, ўз ҳиссий ҳолатини тартибга солиш, хавотирни камайтириш, катъийликни камайтириш учун шароит яратишга қаратилган.

Ўтказган изланишларимиз натижасида компетенцияни ривожлантиришга оид илмий манбалардаги фикрлар ва тавсияларни таҳлил қилиш ҳамда ихтисослик фанлари ўқитувчиларининг эгаллаши лозим бўлган компетенцияларга таяниб, инновацион таълим муҳитида ривожлантирувчи тренинглар орқали ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш моделини такомиллаштирдик (3-расмга қаранг).


Ижтимоий буюртма: Ихтисослик фани ўқитувчисига кўйиладиган замонавий талаблар. Замонавий ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигига кўйиладиган талаблар жамият томонидан белгиланади. Унинг таркибий қисмлари тегишли мутахассислик доирасида белгиланган юқори меҳнат унумдорлигини қафолатлайдиган билим, кўникма ва малакаларга бўлган талаблардир. Ўқитувчининг касбий талаблари - бу сифат жиҳатдан тавсифловчи модели бўлиб, ўқитиш учун зарур бўлган касбий ва педагогик билимлар, кўникмалар, қобилиятлар ва шахсий хусусиятларнинг ҳажми ва аҳамиятини белгилайдиган малака тавсифи ҳисобланади.

Мақсад: Ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш. Замонавий таълим шароитида ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий ва ижтимоий вазифаларни бажариш қобилияти, инновацион ҳатти ҳаракатлари ва мураккаб ўзгаришларга тайёр бўлишлари, муаммоларни мустақил ҳал қилиш каби компетенцияларини ошириш талабини кўйиши тадқиқотнинг асосий мақсадини белгилайди.

Ўқитувчининг касбий компетентлигини оширишга қаратилган таълим мазмуни. Методик таъминот -тадқиқот ишида инновацион таълим муҳитида ривожлантирувчи тренинглар орқали ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигининг ошириш учун инновацион мастер - тренинг ўқув дастури ҳамда “Олий таълим муассасалари ихтисослик фани ўқитувчилари учун инновацион мастер-тренинг электрон ўқув-услубий мажмуаси ишлаб чиқилди.

Ёндашув - Ривожлантирувчи тренинглар орқали шахсга йўналтирилган инновацион таълим технологияларини қўллашдир. Инновацион ёндашувда эса тренингга жалб килинган барча ихтисослик фани ўқитувчиси ўзининг фикри, ғояларини билдириши, билим алмашиш ва таклиф киритиш йули орқали амалга оширилади.

Инновацион таълим муҳитида ривожлантирувчи тренинглар орқали ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ошириш бўйича таълим жараёни. Ривожлантирувчи тренинглар- ихтисослик фани ўқитувчиси ўрганилиши лозим бўлган назарий ғоя ва фикрларни амалий иш, машқлар давомида ўзлаштириш, мулоқот алмашиш имконини берувчи аудиториядан ташқари машғулот ҳисобланади.



**3-расм. Инновацион таълим муҳитида ривожлантирувчи тренинглар орқали ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ошириш модели**



Ривожлантирувчи тренинг бу нафақат ўқитувчида шахслараро ўзаро ҳамкорликни самарали шакллантиришга балки, мутахассис сифатида касбий компетентлигининг умумий даражасини оширишга ҳам йўналтирилади.

Таълим воситалари-ривожлантирувчи тренинг давомида қўлланиладиган электрон таълим ресурслари ва дидактик воситалар ҳамда тарқатма материалларни ўз ичига олади.

Таълим шакллари - ривожлантирувчи тренинглари жараёнида гуруҳли, индивидуал ва кичик гуруҳларда ишлаш шаклларида фойдаланилади.

Компетенцияни ривожланганлигини баҳолаш жараёни.

Баҳолаш мезони. Ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини баҳолаш мотивацион, когнитив ва инновацион фаолиятга йўналтирилганлик мезонлари асосида баҳоланди. Баҳолаш мезонлари ўқув мақсадларига қай даражада эришилганликни аниқлаш кўрсаткичи бўлади. Баҳолаш мезони ихтисослик фани ўқитувчисининг қайси ўзлаштириш даражасини намоён қилишига қараб мос қўйилган баҳо кўрсаткичининг тавсифидан иборат.

Ривожланганлик даражаси. Касбий компетентликнинг ривожланганлик даражаси мезонлари ва кўрсаткичлари сифатида юзага келади. Даражалар асосий кўрсаткичлар йиғиндисидан иборат. Улар касбий компетентлик компонентларининг ривожланганлик даражасини баҳолаш имконини беради. Илмий тадқиқотлар ва тажриба-синов ишларига таяниб, ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигининг паст, ўрта, юқори ривожланганлик даражаларига ажратдик. Ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлиги қанчалик даражада ривожланганлигини баҳолаш кўрсаткичлари орқали тахлил қилинади.

Таълим натижаси. Ривожлантирувчи тренинглари орқали ихтисослик фани ўқитувчиларининг касбий компетентлиги оширилиши натижасида олий таълим муассасаларида таълим сифатини янада кўтаришга эришилади.

Биз томондан ривожлантирувчи тренинглари орқали ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ошириш жараёнининг ўқув услубий таъминоти ва методикаси ишлаб чиқилди ва амалда жорий этилди.

Олий таълим муассасалари ихтисослик фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича инновацион мастер- тренинг ўқув дастури ишлаб чиқилди. Ихтисослик фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш дастури ўз потенциалини аниқлашга, кейинги касбий ўсиш ва ривожланиш усуллари аниқлашга, шунингдек, педагогик фаолиятнинг хусусиятларини аниқлашга қаратилган. Амалий машғулотлар зарур ижтимоий кўникмаларни шакллантиришга ва мустақамлашга қаратилган бўлиб, машқлар, ролли ўйинлар, гуруҳ лойиҳалари шаклида ўтказилди. Дастур шунингдек, касбий талабларга жавоб берадиган сифатларни ташхислаш ва уларни ривожлантириш стратегиясини ҳам ўз ичига олади.

Дастурнинг моҳияти нафақат педагогик ривожлантирувчи шунингдек, психологик-педагогик коллоборациянинг ноанъанавий йўналишларини

қўллашни, фаолликка йўналтирувчи, жумладан, илмий лойиҳалар тайёрлаш каби вазифаларни ўзида мужассамлаштиради.

Юқоридаги мулоҳазалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, таклиф қилинган тренинг машқлари ихтисослик фани ўқитувчилари ўзларининг кучли томонларини кўриш, шахсий ва касбий салоҳиятини англаш, профессионал «Мен» ва шахсий «Мен»нинг ягоналиги йўлида ўзини англашга бўлган тушунчани шакллантириш; касбий фаолиятда қийинчиликларни ҳамда уларни енгиб ўтиш йўллари, шунингдек ўз-ўзини ривожланиш имкониятларини англаш имконини беради.

Сифатли тренинг жараёни кўп қиррали бўлиши лозим. Биринчи навбатда ихтисослик фанлари ўқитувчисини ўз ўзини ривожлантиришга қизиқиш уйғотиши керак. Шунинг учун улар билан анкета сўров ўтказиб индивидуал суҳбатлар олиб борилди.

Биз тренингларда ўқитувчиларни фаол иштирок этишга эътибор қаратдик. Тренинглар самарали ташкил қилинсагина албатта ўқитувчи янги билимларни қизиқиш билан қабул қилади ва ўзлаштиради.

Диссертациянинг **“Инновацион таълим муҳитида ривожлантирувчи тренинглар орқали ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ошириш юзасидан тажриба-синов ишлари”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба синовни ташкил этиш, ўтказиш, ва унинг тахлилий натижалари келтирилган.

Тажриба-синов ишлари 2018-2020 йиллар мобайнида қуйидаги амалий босқичларда олиб борилди:


